



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI  
TEMIR YO'LLARDA YUK VA YO'LOVCHILAR TASHISH XAVFSIZLIGINI  
NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI  
«O'ZTEMIRYO'LNAZORAT»

## BUYRUQ

2019-yil «21» 11

TOSHKENT

248

- son

Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизлар  
ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда  
имкониятлар кафолатлари тўғрисида”  
Қонуни ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” 2019 йил 2 сентябрдаги Қонуни ижросини таъминлаш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Қонуни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Инспекция бошлигининг ўринbosари **Абдурахманов Аъзам Абдулхаевич** инспекцияда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли шахс (кейинги ўринларда Ваколатли шахс) белгилансин.

3. Ваколатли шахс томонидан қуйидаги мажбуриятларни бажариш таъминлансин:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига риоя этилишини таъминлаш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтингчалик махсус чоралар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш ҳамда уларни қўллаш тўғрисида таклифлар киритиш;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга барҳам бериш юзасидан ахборот фаолиятини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда доимий асосда амалга ошириш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида гендер кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ҳамда зарур ҳолларда улар ҳақида ваколатли органларга хабар бериш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ходимларнинг касбий даражасини ошириш чораларини кўриш;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишнинг намоён бўлиш фактларини бартараф этиш юзасидан чорағтар кўриш.

4. 2019 йил йил 30 сентябрда ўтказилган хотин-қизларининг йиғилиши карори маълумот учун қабул қилинсин ҳамда Таҳлил, экспертиза ва назорат бўлими бошлиғи **Кияшенко Наталья Александровна** инспекциянинг хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилоти раиси этиб белгилансин.

5. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ва ижро назорати бўлими (Исмоилов) мазкур буйруқ билан марказий аппарат ва ҳудудий филиалларнинг барча ходимлари таништирилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

Инспекция бошлиғи

Д. Ахмедов